

Мўътабархон МАДАЕВА

Бирлашган Араб Амирликлари

ваколатхонаси котибаси,

Араб тили ва адабиёти мутахассиси,

mutabar_aziz@mail.ru

АРАБ ТИЛИ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ШАКЛЛАНИШИДА СОЦИОЛИНГВИСТИК ТАМОЙИЛЛАР

СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ В ФОРМИРОВАНИИ СОВРЕМЕННОЙ СПЕЦИФИКИ АРАБСКОГО ЯЗЫКА

SOCIOLINGUISTIC PRINCIPLES IN THE FORMATION OF THE MODERN SPECIFICS OF THE ARABIC LANGUAGE

Аннотация: Инсоният тараққиётида илмий адабиётларнинг адабий қадрият сифатида сақланиши, адабий ёдгорликларни илмий ўрганишида соғий тиллар гуруҳига қирувчи араб тили грамматикаси, лингвистика илми замонавий лингвистика, лингвомаданиятунослик, социолингвистика каби соҳаларга эътибор берилди. Жамиятдаги тил терминологиясининг бойишига ижтимоий-сиёсий жараённинг таъсири анъанавий тилинослик муаммолари, йўналишларини илмий-тадқиқ қилинишида ўзига хос мактаб ва ижтимоий характерга боғлиқлигини намоён қилмоқда.

Калим сўзлар: халифалик даври, соғий тиллар гуруҳи, замонавий лингвистика, лингвомаданият, социолингвистика, тил терминлари, трансформация.

Аннотация: В процессе развития человечества, сохранения научной литературы как литературной ценности, научное изучение литературных памятников стало сосредотачиваться на таких областях, как грамматика арабского языка, лингвистика, современное языкознание, лингвокультура, социолингвистика, которые входят в группу семитских языков. Влияние общественно-политического процесса на богатство языковой терминологии в обществе проявляется в связи специфики школы и социального характера в исследовании проблем, направлений традиционной лингвистики.

Ключевые слова: эпоха халифата, группа семитских языков, современная лингвистика, лингвокультура, социолингвистика, языковые термины, трансформация.

Annotation: In the process of human development, the preservation of scientific literature as a literary value, the scientific study of literary monuments began to focus on areas such as Arabic grammar, linguistics, modern linguistics, linguistic culture, sociolinguistics, which are included in the group of Semitic languages. The influence of the socio-political process on the richness of linguistic terminology in society is manifested in the connection between the specifics of the school and the social nature in the study of problems, directions of traditional linguistics.

Keywords: the era of the Caliphate, Semitic language group, modern linguistics, linguoculture, sociolinguistics, language terms, transformation.

КИРИШ

Араб тили деганимизда, аввалам бор, кўз олдимизга мукаддас китоб Куръони Карим гавдаланади. “Аллоҳ юборган пайғамбарларнинг биринчи вазифалари мўминларга хушхабарлар, кофиру осийларга огоҳлантиришни етказишдир. Улар мўминларга савоб, ажр ва жаннатнинг хушхабарини етказадилар. Кофирларга эса азоб, уқубат ва жаҳаннамнинг хабарини бериб, огоҳлантирадилар”[3: 178]. Аллоҳ Таоло танлаган пайғамбарларга нозил қилинган оятларни инсониятга етказиш илмини ҳам беради. Дунёдаги энг мукамал бўлмиш ушбу китоб инсоният тараққиётининг муҳим омили сифатида эътироф этилиб келинади. Бунга асосий сабаб Пайғамбаримиз Муҳаммад САВ га илоҳий оятларнинг ваҳий орқали етказилиши ва ушбу тилда ислом динининг тарғиб қилишларининг шарофатидир. 22 та араб давлатлари – Жазоир, Марокаш, Мавритания, Тунис, Ливия, Судан, Жибути, Сомали, Саудия Арабистони, Камар ороллари, Яман, Уммон Султонлиги, Бирлашган Араб Амирликлари, Бахрайн, Қатар, Қувайт, Ироқ, Фаластин, Иордания, Сурия, Ливанда араб тили давлат тили ҳисобланади. Бу давлатлар Африка қитъасининг шимолида, Олд Осиё ва Араб ярим оролларида жойлашган. Қисқача араб тилининг пайдо бўлиши ҳақида сўз юритсак, жоҳилия даври VII аср илк давр ҳисобланиб кейинчалик, VII-XVIII асрлар илк классик ва классик даврни, замонавий давр эса XIX асрдан бошлаб ҳозирги даврларга бўлиниб ривожлана бошлаган. Классик даврда битилган

адабиётлар адабий ёдгорлик сифатида сақланиб келинмоқда. “Қуръони каримдан кейин пайғамбаримиз алайҳиссалоту вассаломнинг ҳадислари ёзилди. Бу ишни амалга оширишдаги иккиланиш Қуръонни ёзишдан кўра ҳам кўпроқ бўлди. Баъзи саҳобалар ўзига нисбатан қатъий ишонч асосида баъзи ҳадисларни ёзиб олган бўлсалар ҳам, Қуръон билан аралашиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларни ёзиш расмий равишда ман қилиб турилди. Ҳазрати Абу Бакр розияллоҳу анҳу ўзларининг халифалик даврида ҳадисларни ёзмасликка буйруқ бердилар. Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу даврларида ҳам шундай бўлди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ниҳоят, ҳижрий I асрнинг ўрталарига келиб, яъни милодий VIII асрда ҳадисларни ҳам ёзиш бошланди. Набий САВ нинг ҳадисларида тарихга оид жуда кўп маълумотлар бор”[3: 6]. Адабий ёдгорлик сифатида сақланиб қолинган Қуръони Карим, Ҳадислар хаттотлар тарафидан ёзила бошланган, шу билан бирга шеърят йўналишидаги шеърӣ, оғзаки ижод намуналаридан VIII асрларда қоғозга кўчирилиб сақланиб қолинган. Классик даврда ислом динининг тарқалиши ҳамда араб истилоси араб тилининг Яқин ва Ўрта Шарқ тилларининг янада ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатдики, тилнинг аҳамият даражаси янада кўтарила бошлади. Араб олимлари араб тили грамматикасини бошқа тиллардан фарқли ўлароқ ўзгача услубда яратганлар. Ушбу филологияга хос грамматик асарлар VIII-IX асрларда ёзилиб шаклланди ва X асрга келиб мукаммаллик даражасига етди.

Маълумки, араб тили сомӣ тиллар гуруҳига киради. Сомӣ тилларда уч ундошли сўзлар ва уларнинг аффиксацияга учраши ривожланган. Амҳар, тигре (Эфиопия), қадимги яҳудӣ, ифрит (Исроил) ва Малта тиллари ҳам сомӣ тиллар гуруҳидан жой олган. Араб тили ўтган асрларда турк, форс, пушту, ўзбек тилларига ҳам кириб келиб луғатдаги сўзларнинг ярмидан кўп фоизини ташкил этади. Шунингдек, араб тилининг баъзи бир атамалари рус тилига ҳам кириб келган: адмирал, тариф, зенит, алгебра, азимут. Яна бир томони борки, араб тили давлат тили деб қабул қилинган давлатларнинг ўз лаҳжалари бор, яъни араб адабий тили оммавий ахборот воситалари, илмӣ асарлар, илм-фан йўналишларида расмӣ тил сифатида фойдаланилса, араб халқлари ўзаро мулоқотда

лаҳжада сўзлашадилар. Қолаверса, кўшиқ, шеър, кино, телевидение, театр, радиоларда ҳам лаҳжа ишлатилади. Шундан кўриниб турибдики тилни тўла тадқиқ этиш фақатгина тилшунослик илми билан амалга ошириб бўлмайди. Шу ўринда замонавий лингвистикага оид илмӣ тадқиқот олиб борилаётганда лексикология ва бошқа фанларнинг илмӣ ютуқлари кенг кўламда ёрдам бермоқда. Янги Ўзбекистон газетасида ф.ф.д. Ёркинжон Одилов ўзларининг мақолаларида шундай фикр билдирганлар: “Тилни тўқис тадқиқ этиш учун тилшунослик доирасидагина иш кўришнинг камлиги бугун шу фан мутахассисларининг ҳеч бирига сир эмас. Шу боис, замонавий лингвистик тадқиқотларда бошқа фанлар ютуқларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Ана шундай уринишларнинг самараси ўларок, лингвмаданиятшунослик, когнитив тилшунослик, этнолингвистика, психолингвистика, этнопсихолингвистика, прагма-лингвистика каби соҳалар ривож топмоқда ва бу соҳалар тилга, анъанавӣ структурализмдан фарқли равишда доимӣ ҳаракатдаги, ўсиш-ўзгаришдаги ҳодиса сифатида ёндашаётгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Социolingвистика ҳам жамиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуктада пайдо бўлган соҳа сифатида тилнинг асосларини жамиятдан, жамиятнинг асосларини тилдан кидиради, ижтимоӣ-сиёсий омилларнинг тилга таъсири ва яна бошқа масалаларни текширади”[11: 2]. Шундай экан, табиӣ равишда янги илмӣ тадқиқот объектлари пайдо бўлади ва анъанавӣ тилшуносликнинг муаммоларини, янги йўналишларини тил бойлигидан изланиб ўзига хос методик мактаб яратишга йўл беради. Бинобарин, ҳозирги замонда бизнинг авлодлар пандемия (الجانحة), вирус (فيروس), вирусга қарши вакцина (الحاق), карантин (الحجر الصحي) сўзларини жуда яхши тушунишади. Бу сўзлар оммавий ахборот воситаларида ҳар соатда жаранглади. Бутун дунё ковид 19 вирусига қарши курашди. Ва бу сўзлар фақатгина бир тилда араб ёки урду ёки рус, инглиз, ўзбек тилларидагина эмас балки бутун дунё халқлари тилларининг кўп қўлланадиган сўзларига айланди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, тилдаги янги сўзларнинг кириб келиши ижтимоӣ-сиёсий, маданий, иқтисодӣ ўзгаришларга ҳам боғлиқ эканини гувоҳи бўляпмиз. XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида оммавий ахборот воситаларида асосан “дўстона ҳамкорлик” (التعاون)

(العلاقات الثنائية), “икки томонлама алоқалар” (البرلمان), “инвестиция” (الإستثمار), “парламент” (البرلمان) ва кўпгина ташқи ва ички иқтисодий алоқалар воситасида янги иқтисодий терминларга хос сўзлардан фойдаланиб келинмоқда. Лекин бу сўзлар давлат ижтимоий сиёсий ҳолатидан келиб чиқиб ҳамма тилларда қўлланилади дейишдан йироқмиз.

Жамиятда тилдаги терминалогияга эътибор қаратсак баъзи ҳолларда сўзнинг чет тилларидан кириб келгани ва у сўзлар қандай бўлса шундай бошқа тилларда таржимасиз қўлланилиб келаётганлари ҳам борлигини айтиб ўтишимиз лозим. Лекин бу борада кўпгина тилшуносларни хавотирга соладиган ҳолат юзага келиши мумкин. Сўзлашувга бир янги ажнабий сўз кириб келади, аста-секин бу сўзлар сони янада ортиб борадики, натижада сўзларнинг асл тилда қандай номланиши мулоқот даражасида ишлатиладиган сўзлар қаторидан четлашади, қарабсизки, миллат ўз она тилисидаги сўз бойлигини камайтириб бораверади. Араб тилида классик тилда оммавий ахборот воситаларида, китобларда, илмий тадқиқот ишларида фойдаланилаётган бўлишига қарамай асосан омма тили лаҳжа бўлиб мулоқотда инглиз тилидаги сўзлар ҳам кўп ишлатилаётганини таъкидлаб ўтишимиз лозим. Бу, айниқса, телевидение, радиоларда берилаётган эшиттириш, спектакллардаги намоишларда ўз аксини топган. Оддий мисол келтирсак, ранглар, санок сонлар, сифатлар ишлатилаётганда фойдаланилади. Маълумингизким, 90-йилларда ўзбек тилида чет тилидан кирган сўзлар арабий сўз билан таржима қилиниши таклифлари даври ҳам бўлган, “республика” - “жумҳурият”, “область” - “вилоят”, “район” - “ноҳия”, “факультет” - “қуллиёт”, “самолёт” - “тайёра”, “журнал” - “жарида” ваҳоланки, الجريدة ўзбек тилида газета деб таржима қилинади.

ХУЛОСА

Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин Ўзбекистон бутун дунёда ўз номи ва мустақиллик мақоми билан танилаётган даврда ўзбек халқининг диний қадриятлари ислом дини ва унинг лингвистик асоси бўлган араб тили билан боғланган бўлгани учун ижтимоий-маънавий ҳаётда ислом динининг социолингвистик омили ҳам кучайиб борди. Халқимиз диний ҳамда миллий анъаналарининг замонга қараб ўзгариб бориши, миллат ҳаётида дин

омилининг кучайиши араб тили билан боғлиқ диний қадриятлар ифодаланадиган сўзлар тизимини маиший ҳаётга кўпроқ ўрнашишига сабаб бўлди. Бу эса тилнинг трансформацияси ва социолингвистик хусусиятлари ижтимоий онгнинг бир қисми бўлган тил қадриятлари ва уларнинг қўлланилишига бўлган эҳтиёжнинг ижтимоий характериға боғлиқлигини кўрсатди.

Филология соҳаси мукамал тил, илм, адабиёт йўналишларини ўзига қамраб олган. Дунё халқлари тилларининг мақоми мустаҳкамлари, етакчилиги ёки йўқолиб бораётганлари ҳам мавжудлигидан қатъи назар замонавий глобал тараққиётгача сақланиб қола олган ҳар бир тил миллий тил мақомига даъво қила олади. Асосий восита эса миллий тилларни сақлаб қолишда таълим жараёнидир. Муаллимлар ўз дарс услубларига ҳозирда учраб тураётган тил бузилишларини олдини олиб, ўз машғулотларида маҳорат билан сўзларнинг тўғри миллий тилда қай ҳолатда, қандай талқин этилишини тушунтирсалар миллий тил сақланиб қолишига ўз ҳиссаларини қўшган бўлардилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Т. Ш. Қодиров, Д. И. Алиев. Араб тили лексикологияси. Тошкент Давлат Шарқшунослик институти - 2010.
2. А. Абдужабборов. Араб тили. Олий ўқув юртлари учун. Тошкент Ислон Университети - 2005.
3. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислон тарихи. Биринчи китоб. Ҳилол нашр нашриёти, Тошкент -2017
4. С. Долимов, Ҳ. Убайдуллаев, Қ. Аҳмедов. Адабиёт ўқитиш методикаси. “Ўқитувчи” нашриёти, Тошкент-1967.
5. Мамлакат Латипова. Тил бойлиги. “Зиё” нашриёти. Гулистон- 2010.
6. Dell Hymes. Foundations in Sociolinguistics. The International Behavioural and Social Sciences. Great Britain. London. Tavistock Publications. 1974.
7. Noel Barton-Roberts. Modern Linguistics Series. Macmillan Education. New York. 1997.
8. رشدي أحمد طعيمة. المهارات اللغوية مستوياتها، تدريسيها، صعوباتها. دار الفكر العربي. القاهرة. ٢٠٠٢م.
9. Вестник Московского Университета. Серия 9. Филология №5. Москва. 1996.
10. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. Маънавият. Тошкент. 2004.
11. Тил ва жамиятнинг ўзаро муносабати. Ф.Ф.Д. Ёркинжон Одилов, Янги Ўзбекисто газетаси, 2020 йил, 16-октябрь